

## Янги Зеландияда йирик исломий марказ иш бошлайди



16:10 / 22.05.2019 1402

Марлборо шаҳрида қад ростлаши кутилаётган ушбу исломий марказ, аввало муслмонларни тинч-хотиржам ибодат қилишларини таъминлашни ўз олдига мақсад қилган, дейди марказ ташкилотчилари. Бу ерда исломий билимлар бериш билан бир қаторда, вақтинча қўнимгоҳ вазифасини ҳам бажаради. IQNA нинг хабар беришича, минтақадаги муслмонларнинг кўпчилигини муҳожирлар ташкил этмоқда. Улар шаҳарда истиқомат қилиш ёки бошқа жойга кўчмоқчи бўлсалар, вақтинча ушбу марказда қўним топишлари мумкин. Ташкилотчилар марказ фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш учун шифокор ва ўқитувчи каби мутахассис муслмонларни ишга таклиф этмоқдалар.